



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

2023 йил — ИНСОНГА ЭЪТИБОР ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2023 йил 14 декабрь, № 266 (8609) Пайшанба Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

МИНТАҚАДА БАРҚАРОРЛИК ВА БИРДАМЛИК КАФОЛАТИ

Шу йилнинг сентябрь ойида Тожикистонда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг бешинчи Маслаҳат учрашуви ўтказилди. Унда Президентимиз иқтисодий ҳамкорлик, трансгеаравий логистика ва минтақада сув ресурсларини самарали бошқариш масалаларига оид бир қатор аниқ ва конструктив тақлифларни илгари сурди.



электротехника ва механик ускуналар экспорт қилинади. Бироқ бу борада ечимини қутаётган масалалар ҳам йўқ эмас. Масалан, Тожикистон томонидан тақдим этилган статистикага кўра 2022 йилнинг шу давридаги нисбатан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 15,3 фоизга қисқарган. Бунга, асосан, Тожикистон маҳсулотларининг Ўзбекистонга экспорти камайгани сабаб бўлган. Бундай ҳолат 2017 йилдан бери илк бор кузатилмоқда. Чунинчи, сўнгги йилларда бу кўрсаткич қарийб 8 бараварга — 2016 йилдаги 70 миллион доллардан 2022 йилда 555 миллион долларгача кўтарилган эди. Бу эса икки давлат ўртасидаги ўзаро савдо алоқаларни жадаллаштириш учун ишга солинмаган имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатади.

бий ўзгаришлар, амалга ошириладиган ҳуқуқий-демократик ислохотлар хорижий ишбилармонларнинг юртимизда бизнесни ривожлантиришга катта миқдорда инвестициялар киритишлари учун имкон яратди. Натижада кўплаб саноат зоналари барпо этилди, жаҳоннинг энг машҳур компаниялари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар ишга туширилди. Минтақада барқарор савдо-логистика заҳиралари шакллантирилди, чегараолди ҳудудларда савдо ва кооперацияни марказлари очилди ва кенгайтирилмоқда.

да аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатлами иш билан таъминлашда энг самарали воситалардан бири бўлган саноат кооперациясини ривожлантиришдан иборат. Бу — энгил автомобиллар, маиший техника, тўқимачилик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш, қўшни давлатлар билан чегараолди ҳудудлари кооперацияси.

Ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари

Сўнгги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган ижо-

да аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатлами иш билан таъминлашда энг самарали воситалардан бири бўлган саноат кооперациясини ривожлантиришдан иборат. Бу — энгил автомобиллар, маиший техника, тўқимачилик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш, қўшни давлатлар билан чегараолди ҳудудлари кооперацияси.

да аҳолининг меҳнатга лаёқатли қатлами иш билан таъминлашда энг самарали воситалардан бири бўлган саноат кооперациясини ривожлантиришдан иборат. Бу — энгил автомобиллар, маиший техника, тўқимачилик маҳсулотлари ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш, қўшни давлатлар билан чегараолди ҳудудлари кооперацияси.

МАҚСАД — МАРКАЗИЙ ОСИЁНИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНГАН ВА ЮКСАК ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН МАҚОНГА АЙЛАНТИРИШ

Давлатимиз раҳбари олиб бораётган очиқ, дўстона ва прагматик сиёсат Ўзбекистоннинг нафақат минтақадаги, балки халқро даражадаги нуфузини юксалтиришда асосий омил бўлмоқда. Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастурининг биринчи саммитидаги иштироки халқро доираларда Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасидаги родини ҳисобга олган ҳолда жуда муҳим, деб баҳоланаётди.

Мушоҳада

Аёнки, айнан Ўзбекистоннинг саъй-ҳаракатлари билан бундан 25 йил аввал, яъни 1998 йилда Тошкентда БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастури (СПЕКА) ташкил этилган эди. Жорий йилда эса БМТ Бош Ассамблеясининг ушбу санага бағишланган алоҳида резолюцияси қабул қилинди.



Шу йилнинг 23-24 ноябрь кунлари Озарбайжон пойтахти Бокуда бўлиб ўтган БМТнинг Марказий Осиё иқтисодиётлари учун махсус дастурининг биринчи саммитида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев илгари сурган тақлиф ва ташаббуслар жаҳон ҳамжамияти томонидан қизғин қутиб олинди.

тириш, энергетика, сув ресурслари, экология, гендер тенглиги ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган 400 дан ортиқ лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди, савдонини содда-лаштириш ва инновацион ривожланиш стратегиялари қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг оқилона ташқи сиёсати туфайли сўнгги йилларда Марказий Осиёда яхши қўшничлик ва ишонч муҳити қучайиб, интеграция жараёни янги сифат босқичига кўтарилди. Айни чоғда Марказий Осиё мамлакатлари Озарбайжон, Грузия ва Венгрия билан саноат кооперацияси ҳамда инфратузилма бўйича йирик дастурларни амалга оширмоқда. Қўшма инвестиция компаниялари ташкил қилиниб, молиялаштириш механизмлари йўлга қўйилди. Чегара ҳудудларда замонавий савдо-логистика марказлари ва махсус иқтисодий зоналар барпо этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг СПЕКА доирасида ҳамкорликнинг асосий йўналишлари бўйича ишчи гуруҳлар фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш ва дастурнинг институционал асосларини мустаҳкамлаш зарурийлиги тўғрисида билдирган тақлифлари ушбу тузилмани тизорқ самарали минтақавий платформага айлантиришга ҳизмат қилиши мўқаррар. Зотан, қайд этилганидек, мазкур муҳим платформа Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда минтақавий шерикликнинг амалий механизми сифатида ўзининг ниҳоятда зарурийлиги яққол кўрсатди. Дастур доирасида тижорат, коммуникация, транспорт ва логистика, рақамлаш-

Сенат қўмиталарида

ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА ҚАТОР ЕНГИЛЛИКЛАР ЯРАТИЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенатининг Ахборот сиёсати ва давлат органларида очиқликни таъминлаш масалалари қўмитаси йиғилишида навбатдаги ялпи мажлисда кўриб чиқишли режалаштирилаётган қонунлар муҳокамадан ўтказилди.



Оммавий ахборот воситасини рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги аризини кўриб чиқиш мuddати 15 кундан 10 кунга қисқартирилмоқда. Авокатга гувоҳнома бериш мuddатини эса 3 кундан 2 кунга камайитириш ҳам кўзда тутилаётди.

Шунингдек, қўмита мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига республика ҳудудида интернет ва алоқа камровини кенгайтириш учун шароитлари яхшилашга қаратилган ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун тахлил қилинди.

Маълумки, дунё бўйлаб йўлдош алоқа тармоқларининг жадал суратлар билан ривожланиб бориши, соҳада янги технологияларнинг жорий этилиши ҳудудларни интернет ва алоқа билан таъминлаш бўйича янги технология имкониятларини яратмоқда.

Дастлаб "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида"ги қонун тахлил марказида бўлди.

Мазкур қонун билан республикада глобал кўчма йўлдош алоқа тармоқлари хизматлари дастурларидан қонуний асосда хавфсизлик талабларини бажарган ҳолда фойдаланиш имкониятлари яратилмоқда.

Шундан сўнг мажлисда "Давлат хизматлари кўрсатиш ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизими тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Сенаторлар томонидан муҳокама қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштиришга қаратилган қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида"ги қонун билан жиноятларга қарши тезкор қидирув фаолиятини олиб бориш механизмининг янада тақомиллаштириш назарда тутиляпти. "Тезкор қидирув фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Ички ишлар органлари тўғрисида"ги қонунларга бир қатор ўзгаришлар киритилаётди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ТЎҚҚИЗ ОЙЛИК ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли ҳамғармалари бюджетларининг 2023 йил тўққиз ойлик ижроси тўғрисидаги ҳисоботни кўриб чиқди.



Ҳисоботда келтирилганидек, асосий иқтисодий ҳамкорларимиз бўлган давлатларда иқтисодий ўсишнинг пасайиши каби ҳолатлар кузатилаётганлигига қарамадсан, ўз вақтида амалга оширилган кенг қўламли ва изчил ислохотлар Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ўсиш суръатларини сақлаб қолиш имкониятини берди.

2023 йилнинг тўққиз ойида мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ҳажми 5,8 фоизга, хизматлар соҳаси — 6,5, саноат — 5,7, қурилиш ишлари — 5,6 ва қишлоқ хўжалиги 4,1 фоиз ўсган. Аҳоли жон бошига умумий даромадлар 14,3 фоизга ошиб, 14,4 млн. сўмни ташкил этган. Ташқи савдо айланмаси 44,7 млрд. долларга етиб, 2022 йилнинг соғ давридагига нисбатан 22,1 фоиз ўсган.

Мамлакатимизда рағбатлантирувчи фискал сиёсат олиб борилганиги, самарасиз солиқ ва божхона имтиёзларининг бекор қилиниши натижада тадбиркорлик фаолияти сезиларли даражада ошди. Солиқ маъмуричилигини тақомиллаштириш ва солиқ тўловчиларга қулайликлар яратиш эвазига легал фаолият олиб бораётган тадбиркорлик субъектлари сонини ортиб бормоқда. Натижада Давлат бюджетни даромадлари ҳажми 162,9 трлн. сўмни ташкил этиб, 2022 йилнинг соғ давридагига нисбатан 16,6 трлн. сўмга ошириб бажарилган. Маҳаллий бюджетлар даромадлар прогнози ошириб бажарилган қисми ҳисобидан 2023 йилнинг тўққиз ойида ҳудудлар ихтиёрида жами 3,0 трлн. сўм маблағлар қолдирилди.

Қайд этилганидек, Давлат бюджетни харажатлар қисмида ижтимоий йўналтирилганлик тамойили сақлаб қолинган ҳолда, умумий харажатларнинг 98,5 трлн. сўми ёки 49,0 фоизи ижтимоий харажатларни молиялаштириш учун сарфланди. Бунда ижтимоий харажатларнинг 88,5 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантириш ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш харажатларига тўғри келди.

Бюджет ижроси ҳисоботи муҳокамаларида депутатлар эришилган ижобий натижалар билан бирга, мавжуд имкониятлардан етарлича фойдаланилмаганлик ҳолатларига ҳам эътибор қаратишди.

ТРАНСПОРТ ВАЗИРЛИГИГА ҚАНДАЙ ЭЪТИРОЗЛАР БЎЛДИ?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида навбатдаги "Ҳукумат соати" бўлиб ўтди. Унда депутатлар "Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш тизимини янада тақомиллаштириш, жамоат транспорти йўналишлари тармоғини кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида"ги масалани муҳокама қилди.

«Ҳукумат соати»

Мазкур масала юзасидан депутатларнинг саволларига Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И. Маҳамов жавоб берди.

ва қўшилган қиймат солиғидан озод этилди. "Ҳукумат соати"да депутатлар амалга оширилган ишлар билан бирга жамоат транспорти жозибадорлигини оширишга салбий таъсир кўрсатаётган бир қатор масалаларга эътибор қаратди. Жумладан, депутатлар вазирилик фаолиятида аҳолининг йўловчи ташиш хизматларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш, қатнов мунтазамлиги, хавфсиз, сифатли ва қулай транспорт хизматларини кўрсатиш, инфратузилмани яхшилаш, жамоат транспорти ҳаракати устуворлигини таъминлаш борасидаги ишларнинг етарли эмаслигини қайд этдилар.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда аҳолига авто-транспорт хизмати кўрсатишнинг яхшилаш, жамоат транспорти йўналишлари тармоғини кенгайтириш, ҳаракат таркибининг замонавий, экологик тоза автотранспорт воситалари билан таъминлаш бўйича Президентимизнинг қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, соҳада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бундан ташқари, "Транспорт тўғрисида"ги Қонунда вазириликнинг ваколатлари аниқ белгилаб қўйилган бўлса-да, транспорт соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, тармоққа оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, замонавий бошқарув услубларига асосланган ягона уйғунлашган транспорт тизимини яратиш бўйича чоралар кўриш каби вазифалар лозим даражада бажарилмапти.

Хусусан, шу йил 16 февралдаги "Жамоат транспорти тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорга мувофиқ, автобустда йўловчи ташиш хизматларини кўрсатувчи ташувчилар билан ҳисоб-китоблар "босиб

ўтилган йўл" ва "сифат" мезонлари асосида бажарилиши йўлга қўйилди. Шунингдек, жамоат транспортдан фойдаланишда йўловчилар учун қулай тарифлар, жумладан, имтиёз ва бепул, чекланган ва чекланмаган ҳамда рағбатлантирувчи тарифлар белгилангани ҳамда авто-матлаштирилган тўлов тизими жорий этилганиги аҳолига қулайликлар яратиш билан бирга жамоат транспортдан фойдаланиш жозибадорлигини оширишга ҳизмат қилаётди.

ДАРЁЛАР ЎЗАНЛАРИНИ ТОЗАЛАШ ҚОНУН ДОИРАСИДА ОЛИБ БОРИЛЯПТИМИ?

Ёдингизда бўлса, Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисларидан бирида дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш ҳамда норузда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг атроф-муҳит, сув ва йўл хўжалиги объектларига салбий таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари муҳокама қилинган ва унинг долзарблиги инobatта олинди, ушбу масала парламент юқори палатасининг назоратида қолдирилган эди.

Унда сенаторлар томонидан ҳукумат вакиллари, тегишли вазирилик ва идоралар раҳбарлари олдига нима учун аввал кўтарилган муаммолар ҳали ҳам ҳал этилмагани юзасидан аниқ саволлар қўйилди.



Парламент назорати

Утган вақт давомида сенаторларнинг эътирозига сабаб бўлган кўплаб ҳолатларни бартараф этиш устида салмоқли ишлар амалга оширилган. Аммо сенаторларнинг жойларга чиқиб олиб борган ўрганишлари қатор масалалар ўз ечимини топмаганлигини кўрсатди.

Хусусан, Абдурахим Панжиев Сенат томонидан юборилган парламент сўровига ҳукумат вакиллари эътиборсиз муносабатда бўлганини танқид қилиб, муаммолар ҳал этилмаганини билдирган бўлса, Рустам Холмуродов муайян ташиқлотлар бу каби миллий муаммоларга беъэтибор бўлаётганини, масалага жиддий ёндашиш зарурлигини айтиб ўтган эди.

бuzарликларга нисбатан таъсирчан чоралар қўрилишини таъминлади. Жумладан, дарё ўзанларида қумшағал қазиб олиш фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларидан лицензия ёки шартнома мuddати тугагандан сўнг конёки участкани қабул қилиб олиш тартибининг тақомиллаштириш юзасидан тўрт вазириликнинг қўшма қарори имzolанди. У билан ўзани тозалаш ишлари яқунланган объектларда лойиҳа мажбуриятлари бажарилишини жойида ўрганиш орқали участкаларни қабул қилиш тартиби амалиётга жорий этилди. "Ўзбеккосмос" агентлиги билан ҳамкорликда сув ҳавзаларини космик мониторингдан ўтказиш тизимини йўлга қўйилиб, дарёлар ўзани ва сувни муҳофаза қилиш зоналарида ноқонуний қазилма ҳолатлари контурлари белгилаб олинди.

Биз ва жаҳон

РОССИЯ ПОЙТАХТИДА «ЎЗБЕКИСТОН КУНЛАРИ» ШИОРИ ОСТИДА МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ ТАДБИРЛАР ЎТҚАЗИЛДИ

Мамлакатимиз элчихонаси томонидан Москва шаҳридаги Имом Муҳаммад ал-Бухорий номидаги марказ билан ҳамкорликда «Ўзбекистон кунлари» шiori остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Уларда Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази раҳбари Шовосил Зиёдов бошчилигида мамлакатимиз делегацияси қатнашди. Шунингдек, Россия Фанлар академияси «ДАР» маркази, «Рус — ўзбек ҳамдўстлиги» маркази, Москва давлат лингвистика университетини қошидаги ўзбек тили ва маданияти маркази раҳбарияти ва ватандошлар иштирок этди.

Тадбир доирасида ўзбек миллий хунармандчилик маҳсулотлари, чолгу асбоблар, матолар, китоблар кўргазмаси, шунингдек, мамлакатимизнинг туризм салоҳияти тақдими ҳамда маҳорат дарслари ташкил этилди.

«ДАР» марказида бўлиб ўтган «Ўзбекистон кунлари» маърифий анжуманининг очилиш маросимида сўзга чиққанлар сўнгги йилларда республикамизда сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва туризм соҳаларида эришилган ютуқлар, виждон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, таълимни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни юқори баҳолади. Қатнашчилар, жорий йилда Ўзбекистонда амалга оширилган конституцийий ислохотнинг мазмун-моҳияти ва ахамиятига алоҳида эътибор қаратди.

«ДАР» маркази талабалари буюк алломаларимиз ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзлаб, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» қасидасини ифодали ўқиб беришди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон элчихонаси номидан «ДАР» маданият маркази кутубхонасига 100 номдан ортиқ ўзбек тилидаги бадиий адабиётлар совға қилинди.

«Дунё» АА. Москва

ПИРОТЕХНИКА МАШМАСИ

Ҳар қишда шу бўлар такрор...



Айни кунларда юртимизда байрамлар шуқуқи кезиб юрибди. Яқинда Конституциямизнинг 31 йиллигини кенг нишонлади, олдимизда турган галдаги барча учун ёқимли ва қувончли айём эса, бу — Янги йил. Ҳар йили халқимиз бу айёмни муносиб қарши олиш учун алоҳида ҳозирлик кўради. Яқинлар, қавму қариндошлар тўкин дастурхон атрофида йиғилишиб, дийдорлашади, ўтган даврни сарҳисоб қилади. Албатта, байрам шуниси билан эсда қоларли ва қадрли.

Долзарб мавзу

Янги йил байрамга ҳали вақт бор. Бирок аллақачон кўча-кўй, тураржойлар атрофи ва бошқа жамоат жойларида пақилдоқлар қулоқни қоматга келтира бошлади.

Ваҳоланки, пиротехника воситалари тез ёнадиган моддалар, масалан, порохдан тайёрланади ва уларнинг деярли барчаси ёнғин чиқизиш нуктаи назаридан хавфли буюмлар сирасига киради. Мавсум олдидан пиротехника воситаларининг хавфи ва унинг салбий оқибатлари ҳақида ахборот манбаларида, турли учрашув ҳамда суҳбатлар давомида аҳоли ўртасида тарғибот-тушунтириш ишлари ҳақида такрор-такрор айтилиб, афсуски, пақилдоқлардан фойдаланиш яна давом этаверади.

Ҳўш, нега шундай? Ушбу муаммони илдизи билан йўқ қилиш ёхуд бартараф этиш мумкинми ё йўқ? Бу ҳақда тегишли идоралар мутасаддилари фикрлари билан қизиқдик.

— Муаммонинг асосий сабабларидан бири пиротехника воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ, — дейди Божхона қўмитасининг Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бош инспектори, божхона хизмати подполковниги Хусан

Тангриев. — Одатда, айнан Янги йил арафасида пиротехника буюмларининг ноқонуний муомаласи нафқат бизда, минтақада, балки дунё бўйлаб авж олади. Шу сабабли айрим «удабурон» тадбиркорлар ҳам отни вақтларок қамчилашга уринишади. Мисол учун, ўтган йили бу ҳолат август ойидан «урчиган» бўлса, шу йил сентябрь ойиданоқ турли хил пиротехника воситаларини юртимизга ноқонуний олиб киришга уринишлар фож қилина бошланди.

Божхона қўмитаси тақдим этган статистик маълумотларга кўра, жорий йилнинг ўтган 11 ойи давомида божхона органлари томонидан аниқланган 85 та ҳолатда қиймати салкам 2,2 млрд. сўмлик 1 млн. 951 миң донга пиротехника воситасининг ноқонуний олиб кирилиши ҳамда ички ҳудуддаги яширин айланишга тек қўйилган. Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ аниқланган ҳолатлар бўйича божхона органлари томонидан ўнлаб жиноят ишлари қўзғатилган.

Божхона хизмати подполковниги Х. Тангриевнинг айтишича, чегара-божхона постлари орқали пиротехника буюмларини олиб ўтиш умуман имконсиз. Бу турдаги воситаларни, асосан,

божхона назорати ўрнатилмаган турли айланма йўллар, мураккаб жойлашувга эга чегарадош ҳудудлардан олиб ўтишга уринишмоқда. Чегарадош ҳудудлардаги айрим юрtdошларимиз эса ноқонуний олиб кирилаётган пиротехника воситалари учун ўз ҳонадонларидан вақтинчалик жой бераётгани жуда ачинарли ҳолат. Шундай экан, бу борада бизга жамоатчилик назорати керак, маҳаллалар фаоллари, кенг жамоатчилик вакилларининг фидойилиги зарур.

Шу кунларда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларда кунда-кунора пақилдоқ «бизнеси» фож қилингани ҳақидаги хабарлар берилмоқда. Яқинда Фарғона вилоятида 407 миллион сўмлик салот ва пақилдоқлар тўғрисида қилинган ҳам ҳақиқат. Тасаввур қиляпсизми? 407 миллион сўм. Бу — тахминан 30 — 40 миң АҚШ доллари, дегани. Шу «бизнес»га пул тикаётган «ишбилармон» бу товар ички бозорда сотилишига ишондики, унга қўл уради.

Харидор ким? Сизу биз. Энг ачинарлиси, ўқувчи-ёшлар. Пайтдан унумли фойдаланиб қолувчи «удабурон»ларнинг тегиригига сув қўяётганлар ҳам аслида ўзимиз. Пақилдоқларни ҳеч ким сотиб олма, жамият «бойкот» эълон қилса, ўз-ўзидан ушбу маҳсулотга бозорда талаб сўнади. Тақлиф ҳам йўқолади.

Юқорида таъкидланганидек, пиротехника буюмларидан фойдаланишнинг олдини олишда маҳаллалар фаоллари жамоатчилик назоратини янада қучайтириши керак. Бу ҳам муаммо ечимида қўл келади.

— Тарғиботда гап кўп, — дейди Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт туманидаги «Янги турмуш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Халоват Хўжаева. — Маҳалламизда ҳар йили аҳоли, айниқса, ота-оналар ва ёшлар ўртасида пиротехника воситаларидан фойдаланмаслик бўйича

тушунтириш ишлари олиб борилади. Айни пайтда қайси мавзуда тадбир ёки учрашув ўтказасан, албатта, байрам арафасида пақилдоқлардан фойдаланмасликни ўқтирамиз.

Соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда пиротехниканинг салбий оқибатлари ҳақида гапириб, видеороликлар ҳам намойиш қиляпмиз. Бу тарғибот тадбирларимизнинг янада таъсирчанлигини таъминляпти. Олиб борилаётган тушунтириш ишлари самараси ўлароқ, ўтган давр мобайнида бирорта ҳам пақилдоқ билан боғлиқ ноҳуш воқеа қайд этилмади. Албатта, бу борадаги ишларимизни янада қучайтирамиз.

Ҳақиқатан ҳам, тарғиботда ҳикмат кўп. Ўзаро ҳамкорлик пиротехника машмашасини ҳал қилиш ёхуд кескин қамайтириш билан боғлиқ имкониятларни янада ошириши мумкин. Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, соғлиқни сақлаш ҳодимлари ҳам бу тарғибот тадбирларида фаоллик кўрсатмоқда. Аҳолига пақилдоқлар инсон саломатлиги учун жуда хавфли эканлиги тўғрисида зарур маълумотларни, ўз тавсияларини бериб боришяпти.

— Бу мавзуга такрор-такрор тўхтаганимиз, пақилдоқларнинг саломатлик ва ҳаёт учун хавфли хижатлари хусусида чиқишлар қилямиз. Лекин афсуски, бу муаммо ҳар қиш фаслида қаршимиздан чиқаради, — дейди Республика шoшлинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Даврон Тўлағанов. — Мана, ўтган мавсумда Янги йил арафаси ва байрамдан кейинги кунларда пиротехника воситаларидан олинган жароҳатлар туфайли марказимиз ҳамда унинг ҳудудий филиалларига оғир аҳволдаги ўнлаб беморлар мурожаат қилди. Энг ёмони, уларнинг тенг ярами шифохонада узок муддат даволанишига тўғри келди. Баъзилари ҳануз асоратлардан

ЁШЛАР САЙИЛГОҲИГА КЕЛИНГ

Фарғона шаҳрида Ёшлар сайилгоҳи ўз фаолиятини бошлади. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ва секторлар раҳбарлари иштирок этиб, сайилгоҳда яратилган шарт-шароитлар билан танишди ҳамда ёшлар билан мулоқот қилди.



Гамхўрлик

— Сайилгоҳ шаҳар марказидаги Каштанзор кўчасида — Аҳмад Фарғоний номидаги хиёбон, Фарғона давлат университети ҳамда бир қатор маънавият ва маърифат масканлари жойлашган ҳудудда фаолият бошлагани ёшлар учун айни муддао бўлди, — дейди Фарғона шаҳар ҳокими ўринбосари Юсуфхон Юсулов. — Ёшлар сайилгоҳи «Очиқ бюджет» ахборот

портали орқали жамоатчилик фикри асосида шаклланди лойиҳа доирасида ташкил этилди. Эзгу ташаббусни амалга ошириш мақсадида Давлат бюджетидан 1 млрд. 32 млн. сўм, бундан ташқари, 500 млн. сўм ҳомийлик маблағлари жалб этилди.

Этиборлиси, сайилгоҳда кинотеатр, ресторан, «book-safe»лар, шахмат, стол теннис, «PlayStation» уйинлари ва караоке ҳудудлари ҳамда фотозоналар фаолият кўрсатади.

Тадбир доирасида «ёшлар дафтари»га киритилган 17 нафар йигит-қизга субсидия асосида пишириқ печлари, тикув машиналари ҳамда сартарошлик мебеллари тақдим этилди.

Ботир МАДИЁРОВ («Халқ сўзи»).

Байрам тухфаси

Конституциямиз қабул қилинганининг 31 йиллиги Бухоро шаҳридаги 24-сонли «Нурли маскан» иختисослаштирилган мактаб-интернати жамоаси ёдида бир умр қоладиган бўлди. Гап шундаки, байрам арафасида кўзи ожиз ўғил-қизлар тахсил оладиган билим масканининг янги ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

«НУРЛИ МАСКАН» ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ОРЗУЛАРИ УШАЛДИ



— Асосий Қонунимизда нотиғоронлиги бўлган фуқароларнинг ҳам бошқалар билан тенг тарзда ўқиши, ўз салоҳиятини юзага чиқариши учун шарт-шароитлар яратилиши кафолатлаб қўйилган, — дейди мактаб-интернат директори Мадам Аслонов. — Юртимизда ўғил-қизларимизни ҳар томонлама баркамол тарбиялаш учун давлатимиз томонидан қилинаётган ишлар шу ҳужжатнинг амалдаги ифодасидир. 13 миллиард сўмдан зиёд маблағ эвазига барпо этилган 324 ўринли ўқув биноси, 200 ўринли ётоқхона, 100 ўринли ошона жамоамиз учун байрам арафасида зўр тухфа бўлди.

Мактаб-интернат шу пайтга қадар фаолият юритган бино 160 ўқувчи ўрнига мўлжалланган, ётоқхона эса 100 ўринли эди. Бу эса турли туманлардан келиб тахсил олаётган ўқувчиларга ҳам айни чоғда ўқувчиларга ҳам нуқулаллик турдиратгани. Билим дарғоҳининг моддий-техника базаси мустақамланаятгани эса ўғил-қизлар иқтидорини юзага чиқаришда янги имкониятлар эшигини очмоқда. Хусусан, Швециядан 160 миллион сўм миқдордаги маблағ эвазига Брайль шрифти принтер харид қилинди. Республикаимизда санокли саналган бундай ускуна воситасида ўқув кўланмалари, зарур адабиётлар, шунингдек, иқтидорли ёшларнинг ижод намуналарини Брайль ёзувида чоп этиш имконияти яратилди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

Тошкент педиатрия тиббиёт институти ректорати ва меҳнат жамоаси институтининг ўқув-услубий бўлими бошлиғи Нигора Исхановага онаси Захро ая ШАРИПОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия ихсоз этади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ходимларига уйлар қурилиши бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 февралдаги «Ички ишлар органлари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-118-сон қарорига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 октябрдаги «Ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчиларининг турар жой-маиший шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 865-сонли қарори қабул қилинган.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти ходимларига уйларни тайёр ҳолда топшириш шартлари билан қурилиш бўйича инвесторлар ёки қурилиш ташкилотлари мутасаддилари ҳамкорликка тақлиф этилади.

Танловда қатнашиш истагида бўлган ташкилотлар вакилларидан қуйидагилар талаб қилинади: инвестор ёки қурилиш ташкилотининг низоми ва гувоҳномаси; инвестор ёки қурилиш ташкилотининг фаолияти ҳақида маълумот (5 йилдан ортиқ фаолият кўрсатган бўлиши керак); хизмат кўрсатувчи банк томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумотнома; солиқ инспекцияси томонидан инвестор ёки қурилиш ташкилоти тўғрисида маълумот;

инвестор ёки қурилиш ташкилотининг моддий-техника базаси тўғрисида маълумот; қурилиш режалаштирилган уйлар ҳудудига лойиҳа тақлифи (бош режа, икки, уч, тўрт сотивлик бир қаватли уйларнинг фасад, қаватлар режаси), 3D кўринишда; қурилиш ишларини олиб бориш, қурилиш муддатлари ва қурилиш шартлари кўрсатилган тармоқ режаси (тасдиқланган кўринишда); қуриладиган уйларнинг энг камидан 50 фоизини Жазони ижро этиш департаменти ва тизимдаги ходим-

лар учун имтиёзли, арзонлаштирилган нархларда сотиш бўйича ҳисоботи (тижорат тақлиф); бош режага уйларни лойиҳалашда 2 ва 2,5 сотивлик ер майдонида бир қаватли коттеж типидagi уйлар (3 хонали уйларнинг яшаш майдони 100 м² дан кам бўлмаслиги лозим) қурилиши бўйича тақлиф киритилиши шарт;

лоийҳаланаётган уйларга (бош режада) қўшимча равишда автомобиллар тураржойи ҳамда болалар майдончаси бўлиши шарт;

лоийҳаланаётган уйларнинг қаватларини ер майдони жойлашган туман бош архитектори билан маслаҳатлашган ҳолда келишиши лозим;

қурилиши режалаштирилаётган уйлар учун алоҳида иситиш ва электр тизими бўлиши, қурилиши режалаштирилган ер майдонидаги бино ва иншоотларни ўз ҳисобидан демонтаж қилиш; қурилиши режалаштирилган уйлар

Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Боғзор» МФЙ, Қорасув кўчаси, 32-уй. (Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги Жазони ижро этиш департаменти, мурожаат учун телефон рақамлари: 71-231-54-95, 71-231-45-60).

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғима Г — 1241. 32 472 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-55.

Таҳририятга келган кўлабмақал тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг мазмунини тарқатиш учун обунани расмийлаштириш тақлиф қилинади. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмаҳона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислом Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — А. Сойибназаров. Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 20.50. Топширилди — 23.00. 1 2 3 4 5 6